



1918-yil
21-iyundan chiqqan
boshlagan

№37, 2021-yil 15-sentyabr,
chorshanba (32.679)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Barchaga g'amxo'rlik — davlatning burchi

O'zbekiston ovozi

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА
НОМЗОД МАҚСУДА
ВОРИСОВА ЎЗИНИНГ
САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДА
ИЖТИМОЙ ТЕНГЛИК ВА
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИЯСИ
МЕЗОНЛАРИГА МОС
КЕЛАДИГАН ДАВЛАТ ВА
ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИ
МАҚСАД ҚИЛИБ, ҚҲИДАГИ
ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ
СУРМОҚДА:

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

- ✓ мамлакатда ижтимоий тенгсизликнинг барча кўринишларига барҳам бериш;
- ✓ пенсия ҳисоблаш тартибини такомиллаштириш, аёлларнинг бола парваришидаги даврини иш стажига қўшиб ҳисоблаш;
- ✓ ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга нафақа тайинлаш;
- ✓ “Меҳнат муҳожирлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш;
- ✓ оғир ижтимоий аҳволдаги оилаларни ижтимоий турар жойлар билан таъминлаш;

СОЛИҚ, САНОАТ

- ✓ аҳолининг даромадига қараб табақалаштирилган солиқ тизимини жорий этиш;
- ✓ асосий озиқ-овқатлар нархларини шакллантириш устидан давлат ва жамоатчилик назоратини қатъий ўрнатиш;
- ✓ қишлоқ туманларига саноатни олиб кириш;

ТИББИЁТ

- ✓ аҳолига давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлар кўрсатишни таъминлаш;
- ✓ шифокорларнинг иш ҳақини 3 баробарга, ҳамшираларнинг ойлигини эса 2 баробарга ошириш;
- ✓ дорихоналар ва хусусий тиббий муассасаларга алоҳида ижтимоий ташкилот мақомини бериш;
- ✓ тиббиёт ходимларининг шаъни, кадр-қиммати ва соғлигини ҳимоя қилиш бўйича қонун қабул қилиш;

ТАЪЛИМ

- ✓ болаларни 2 ёшдан мактабгача таълимга қабул қилувчи махсус гуруҳлар ташкил этиш;
- ✓ бошланғич синф ўқувчилари учун нонушталар ҳамда жамоат транспортларидан фойдаланишни bepул асосда йўлга қўйиш;
- ✓ олий таълим учун грантлар сонини ошириш;

СУД-ҲУҚУҚ

- ✓ фуқароларнинг судларда Халқ маслаҳатчилари сифатида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш;
- ✓ қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашда жамоатчиликнинг кенг иштирокини таъминлаш.



МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

8 СЕНТЯБРЬ

Комиссия аъзолари иштирокида Халқаро пресс-клубнинг савол-жавоб шаклдаги сессияси бўлиб ўтди.
Ташқи ишлар вазирлигида Марказий сайлов комиссияси томонидан аккредитациядан ўтган 50 га яқин хорижий ОАВ вакилига гувоҳномалар топширилди.
Сиёсий партиялар томонидан Президентликка кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватловчи имзо варақаларини тақдим этиш бошланди.

9 СЕНТЯБРЬ

Экспертлар гуруҳи имзо варақаларини текширишга киришди.

10 СЕНТЯБРЬ

Сиёсий партиялар томонидан Президентликка кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватловчи имзо варақаларини қабул қилиш давом эттирилди.

11 СЕНТЯБРЬ

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида икки партиядан кўрсатилган номзодлар рўйхатга олинди.
Бир қатор оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказилди.
Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг гувоҳномаси тавсифи ва намунаси тасдиқланди.
Округ сайлов комиссиясининг гувоҳнома (мандат)лар учун муҳри намунасини тасдиқланди.
Эксперт гуруҳи имзо варақаларининг текширувлар натижасини эълон қилди.
Марказий сайлов комиссияси журналистлар иштирокида брифинг ўтказди.

14 СЕНТЯБРЬ



Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида хорижий давлатлардан қатнашадиган кузатувчилар аккредитация қилинди. Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот марказида тадбир бўлиб ўтди. Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигида кўрсатилган номзодлар рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги Қарор ҳамда номзодларнинг гувоҳномаларини топширди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун 21 та халқаро ташкилотга, жумладан, ЕХХТнинг Парламент Ассамблеяси ва Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркийзабон давлатлар ҳамкорлик кенгаши, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциациясига, 27 та хорижий мамлакатлар сайлов органлари ва 47 та давлатдан 223 нафар кузатувчиларга таклифномалар юборилди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнларини ёритиш бўйича аккредитациядан ўтказилган барча оммавий ахборот воситалари вакиллари сони ҳозиргача 907 нафарга етди.



МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

Кучли ижтимоий сиёсат — бу Халқ демократик партиясининг бош ғояси ва асосий принципларидан саналади. Бу борада қутилган натижага эришиш учун инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун, деган та-мийилда сиёсат олиб бориш талаб этилади. Қачонки, аҳоли ҳаётидан мамнун ва рози бўлиб яшаса, жами-ятда барқарорлик, тинчлик ҳамда фаровонлик қарор топади.

Бўлажак сайловларда партиямиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган ном-зод — Мақсуда Ворисованинг Сайловолди дастури шу кунларда партия фаоллари, электорат вакиллари томонидан кенг муҳокама қилинмоқда. Ижтимоий тармоқлар ва ОАВ орқали мамлакатимиз зиёлилари, олимлар ўз фикрларини билдиришмоқда.

Таъкидлаш жоизки, тенглик, очиқлик, шаффофлик тартибиде ўтаётган сайловолди жараёнларида номзо-димизнинг ҳар бир чиқишлари, кўтарган ғоя ва та-шаббуслари жиддий муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Бу — халқимизнинг сиёсий онги ва савияси ошгани, сиёсий маданият ҳамда фаоллик юксалганидан дало-латдир.

“Ўзбекистон овози” мухбирлари партиянинг пар-ламентдаги вакиллари билан суҳбатлашиб, уларнинг Мақсуда Ворисова кўтарган масалалар, умуман, Сай-ловолди дастури ҳақидаги фикрлари билан қизиқди.



— Олис ва чекка ҳудудларда шифокорлар ҳамда ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжни қоплаш учун “Қишлоқ шифокори” ва “Қишлоқ ўқитувчиси” дастурларини амалга ошириш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимини қонунчилик асосида мустаҳкамлаш керак.

Ўзбекистон ХДП номзодининг Сайловолди дастуридан



ИЖТИМОИЙ ТЕНГЛИК

ХДП НОМЗОДИМИЗ ДАСТУРИНИНГ АСОСИДИР



Қизилгул ҚОСИМОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати,
ЎзХДП фракцияси
аъзоси:

— Номзоднинг Сайловолди дастури йўналишларида айниқ-са, ногиронлиги бўлган шахслар-нинг манфаатларига мос келадиган жиҳатлари катта ўрин олди. Эътиборимни ногиронлиги бор фарзандни парвариш қилаётган фуқаролар учун шу даврда на-фақа тайинлаш, учинчи гуруҳ ногиронлиги бор шахслар учун нафақалар белгилаш бўйича ҳуқуқий асослар яратиш давр та-лаби, деган мазмундаги чиқиш-лари тортди. Одатда ногирон-лиги бўлган шахсларни асосан оила аъзолари парваришлайди. Болаликдан ногиронлиги бўл-ганларга онаси қарайди. Ўзбеки-стонда 100 минг нафардан кўп болада ногиронлик бор. Улар-нинг 52 мингга яқини туғма но-гирон бўлиб, 49 мингга яқинида ортирилган ногиронлик мавжуд.

Уларнинг аксарият қисми, яъни 98,1 фоизи ўз оиласида ота ва оналар қарамоғида парва-ришланмоқда. Ушбу ногиронлиги бўлган болаларнинг кўпчилиги таянч-ҳаракат тизими, асаб ва руҳий касалликларга чалин-ган бўлиб, доимий парваришга муҳтож. Бундай парваришни

амалга ошириш катта савй-ҳа-ракат, ирода ва вақтни талаб этиб, хўжалик фаолияти билан биргаликда амалга ошириш жуда оғирдир. Уларнинг озик-овқати, кийим-кечаги, дори-дармонла-ри ва уларни парваришлагга маблаг керак, албатта. Шунинг учун ногиронлиги бўлган бола-ларга қараган инсонларга пен-сия тайинлаш таклифини тўғри, деб биламан. Бу таклифнинг амалга ошиши ногиронлиги бўл-ган шахслар, уларга қаровчилар манфаатлари ҳимоясига хизмат қилиб, маънавий-руҳий мадад ҳам бўлади. Бундан ташқари, учинчи гуруҳ ногиронларига нафақа тайинлаш, уларни иш билан таъминлаш масаласи жуда оғир, чунки бугун соғлом фуқа-роларни иш билан таъминлашда муаммолар мавжуд бўлган бир пайтда иш берувчилар ногирон-лиги бўлган шахсларни ишга олишда бироз ўйланиб қолиша-ди. Бундай пайтларда яшаш учун минимал харажатларни қоплаш учун учинчи гуруҳ ногиронлари-га нафақа бериш керак.



Анвар ТЕМИРОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси:

— Номзод дастурида йўналишлар кўп, улар орасида энг биринчилардан ҳал этилиши керак бўлгани — бу уй-жойлар ва коммунал хизмат-ларнинг ижтимоий мақбуллигини таъминлашдир. Сабаби инсон туғилар экан, унга яшаш ҳуқуқи инъом этилади. Галдаги энг муҳим ҳуқуқ, шубҳа-сиз, бошпанага эга бўлиш, ўз “ватан”ида тиниб, тинчиб яшашдан иборат. Уйли бўлиш нафақат орзу ёки эҳтиёж, балки ҳуқуқ ва жамият талаб-ларидан саналади.

Ҳар бир одамнинг ўз хоҳиши, диди ва танло-ви бўлади. Шундай экан, барчага мақбул бўлган шароит ва инфратузилмага эга уй-жойлар таш-кил этиш муҳим саналади. Бунда сифатни ҳам унутиб қўймаслик керак. Нархлардаги имтиёз сабаб қўл учиде қурилган уйлар тез орада ўзи-нинг ҳақиқий аҳолини намойиш этиб қўяди. Меъёр ва стандартларга мос равишда қурилади-ган уйларда эса одамлар мамнун яшайди. Фақат-гина тўлов ва уларнинг фоизларида имтиёзлар берилиши керак. Бунда ҳам аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий аҳолини инобатга олган ҳолда чегирмалар берилиши мақсадга мувофиқдир. Айталик, ойлик даромади ўзи ва оиласига ета-диган, қўшимча даромадли кишиларга мақбул нарх эса кам даромадли оилалар учун оғирлик қилади. Ана шундай тафовутни бартараф этиш учун бир хил уйни икки хил нархда ҳисоблаш чиқиш мумкин.



Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси:

— Номзод дастурида ижтимоий йўналтирилган иқтисодий сиё-сат — кучли ижтимоий сиёсат асосидир, деган ғоя илгари сурил-моқда. Партиямиз мақсадлари ва ташаббусларига ҳамоҳанг мазкур йўналишда самарадорликка эришиш кишидан катта жасорат талаб этади. Чунки бу жуда мураккаб жараён бўлиб, фуқаролар ўртаси-да ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий тенгликни юзага келтириш учун курашлар, машаққатли йўлни босиб ўтиш лозим. Биргина минимал ижтимоий харажатлар суммасини белгилаш учун йиллар сарфлан-ган бўлса, иқтисодий сиёсатда тенгликни таъминлаш учун қандай босқичлардан ўтиш кераклиги ҳеч кимга сир эмас.

Биринчи навбатда, иқтисодий фарқни камайтириш борасида давлат иштирокини ошириш керак. Жумладан, иқтисодий тар-моқларни мустаҳкамлаш орқали мамлакат қудратини ошириш лозим. Агар давлат иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам бўлса, фуқа-ролар ўртасида тенгликни таъминлаш, яъни кам таъминланганлар сонини камайтириш имкони ошади. Ишсизлик бартараф этилиб, аҳоли даромади ортади. Ўз-ўзидан турмушда фаровонлик, ҳаёт-дан розилик кайфияти қарор топади.

Ўйлашимча, кучли иқтисодий сиёсатга эришиш учун барчага бирдек имконият берилиши керак. Асосийси, улардан тўғри ва самарали фойдаланишга одамларни йўналтириш, камбағаллик-дан чиқиш ҳамда иқтисодий таъминланганлар қаторида бўлишга турки берувчи омилларни татбиқ этиш даркор. Қачонки, одам-нинг руҳиятида демократик тушунча шаклланса, ўз фикрлари ва ташаббусларини эркин амалга оширишни ўрганса, иқтисодий мустаҳкам бўлади. Зеро, демократия қоғозда ёзилиб, бошқариш орқали эмас, куйида, одамлар орасида шаклланади, юзага кела-ди.



Муқаддас
ЎРОЗАЛИЕВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси:

— Инсон саломатли-гини асраш энг муҳим жиҳатлардан бири са-налади. Бунда уларга кўрсатилаётган тиббий хизматдан тортиб, аҳоли истеъмол қилаётган озик-овқат маҳсулотларигача сифат талабларига жа-воб бериши зарурлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу жиҳатдан олиб қараган-да, сифатли озик-овқат маҳсулотлари, кундалик эҳтиёждаги товар ва хиз-матларнинг ижтимоий мақбуллигини таъмин-лаш йўналиши бўйича ўз фикрларимни билдирмоқ-чиман.

Бозор иқтисодиёти даврида товар ва хизмат-лар нархларини назорат қилиш бироз мушкул. Айниқса, хусусийлашти-риш масаласи устуворлик касб этса. Шунга қара-май, нарх ва тарифлар устидан давлат ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг имкони бор. Қанчалар қийин бўл-масин, томонлар масъу-лиятини ошириш, меъ-ёрни сақлаш борасида қатъий назорат ўрнатиш талаб этилади.

Авалло, бозорлардаги нопок ва очкўз тadbир-корларга ўрин қолмаслик керак. Бунинг учун дав-лат томонидан улғуржи ва чакана савдо нархла-ри ўртасидаги қатъий меъёрни ўрнатиш талаб этилади. Мавсумга қараб ва яна бошқа сабаблар билан аҳоли учун энг зарур товар ҳамда маҳ-

сулотлар нархи сунъий оширилишига чек қўйиш лозим. Ана шунда барча учун нархлар барқарор бўлади.

Мамлакатда бой ва камбағал аҳоли гу-руҳлари ўртасидаги фарқни қисқартириш, тенглик, адолат та-мойилларига асослан-ган жамият қуришнинг бош шарти ҳам аслида мақбулликни таъмин-лашдан иборат. Бугунги кунда ижтимоий адо-лат тамойилларидан ке-либ чиқиб, аҳолининг даромадига қараб та-бақалаштирилган солиқ тизимини жорий этиш жуда долзарб масала саналади. Номзод мам-лакатдаги иқтисодий ресурслар бир ҳовуч одамлар қўлида тўпла-ниб қолишига йўл қўйиб бўлмаслиги, бу ресур-сларда ҳар бир фуқа-ронинг ҳаққи, улуши борлигини таъкидла-моқда. Муҳими, унинг дастурида бу йўна-лишда “Иқтисодий ре-сурслар — барча учун!” деган қатъий позиция илгари сурилмоқда. Ўз навбатида, ижтимоий аҳамиятга молик товар ва хизматлар нархла-ри ҳамда тарифлари белгиланган меъёрлар-дан ошиб кетмаслиги бўйича илгари сурилган таклифларнинг ҳаётга татбиқ этилиши кўзлан-ган мақсадларга янада ақинлаштиради.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
Гулурух ОДАШБОВЕВА,
“Ўзбекистон овози” мухбирлари.



Ойтўла АБДУРАИМОВА,
ЎзХДП Самарқанд шаҳар кенгаши раиси:

— Сайлов кампаниясига киришар эканмиз, бошланғич партия ташкилотлари зиммасидаги масъулият янада ортади. Бу жараёнларда ҳар биримиздан фаоллик ва ишчанлик талаб этилади.

Бугунги кунда шаҳар партия кенгашимизнинг 2000 дан зиёд аъзоси 50 га яқин бошланғич ташкилотга бирлашган. Президентликка партиямиздан аёл номзоднинг кўрсатилгани менга айниқса, куч берди, десам муболаға бўлмайди. Қолаверса, бу мамлакатимизда гендер тенглигининг ёрқин исботидир.

Номзодимизнинг ижтимоий йўналтирилган иқтисодий сиёсатга оид Сайловолди дастурини диққат билан тингладим. Унда ечимини кутаётган қатор муаммолар бўйича таклифлар илгари

сурилди. Жумладан, ёлланма ишчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш долзарб муаммо сифатида қайд этилгани, айниқса, эътиборимни тортди.

Қолаверса, тан олиш керак, уй-жой коммунал хизматлар тарифларидан одамлар норози. Соҳада кўплаб муаммолар тўпланиб қолган ва бу аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, инсон манфаатлари бўйича қатор қонунларни ишлаб чиқиш зарур, айримларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритишни ҳаёт тақозо этмоқда.

Дастурда белгиланган вазифалар ижроси мамлакат тараққиётига, халқимиз фаровонлигига хизмат қилади.



— Ижтимоий нафақалардан юқорироқ меҳнат ҳақи тўланадиган барқарор иш ўринлари билан таъминлаш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг шахсий ташаббуслари ва уддабуронлигини рағбатлантириш лозим.

Ўзбекистон ХДП номзодининг Сайловолди дастуридан

15-sentyabr, chorshanba, 2021-yil.
№37 (32679)

ПАРТИЯ ҲАЁТИДАН

ФАРҒОНА:



Президент сайловида биринчи маротаба иштирок этадиган ёшларни сайловга оид қонунчилик билан таништириш, сайлов жараёнлари ҳақида уларга маълумот бериб бориш йигит-қизларнинг сиёсий фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Қўштепа туманида “Менинг биринчи сайловим” мавзусида ўтказилган давра суҳбатида шу масала кун тартибиди бўлди. Унда мамлакатимиз ҳаётида жорий йилдаги энг муҳим сиёсий жараён қизғин тус олгани, унда ёшлар фаол иштирок этиши кераклиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ЎзХДП вилоят кенгаши ташкил этган мазкур тадбирда халқ депутатлари Қўштепа туман Кенгаши депутатлари, туман сайлов комиссияси раиси ва партиянинг масъул ходимлари, шунингдек, сайловда илк маротаба овоз берадиган ёшлар иштирок этди.

Ноанъанавий тарзда ўтказилган тадбирда мамлакатимизда сиёсий-ҳуқуқий тизим ислоҳ қилинаётгани ҳамда фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини кафолатлайдиган миллий сайлов тизими яратилгани алоҳида таъкидланди. Сайлов кодексига қиритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида маълумот берилди.

Тадбирда иштирок этган ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

СУРХОНДАРЁ:



ЎзХДП Олтинсой туман кенгаши томонидан тоғли ҳудудда жойлашган “Чинор” ва “Зардакул” маҳаллаларида “Депутат — маҳаллада” лойиҳаси доирасида электротар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбир ўтказилди.

Тадбир доирасида ташкилотчилар маҳаллалардаги кам таъминланган ва ногиронлиги бор бўлган кишилар яшайдиган 6 та хонадонда бўлиб, аҳоли ҳолидан хабар олинди. Оилавий яшаш шароити ва ижтимоий муаммолари ўрганилди. Муаммолар аниқланиб, ечими бўйича чоралар белгиланди.

Хонадонларга ташриф жараёнида партия фаоллари ва депутатлар ҳомийлигида уларга озик-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари ва ногиронлиги бор фуқароларга 3 дона қўлтиқтаёқ тарқатилди. Тадбир давомида 14 та ижтимоий муаммога оид масалада муурожаатлар рўйхатга олинди, уларнинг ечими бўйича депутатлик назорати ўрнатилди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ:



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши Қуйи Чирчиқ туманидаги “Бирлик”, “Минг чинор” маҳалларида “Аёллар соғлиги – жамият бойлиги” лойиҳаси доирасида тадбир ўтказди.

“Минг чинор” қишлоқ врачлик пунктида маҳаллаларнинг “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”да рўйхатида турувчи 83 нафар хотин-қиз тиббий кўрикдан ўтказилди. Беш нафар аёлга даволаниш учун бепул йўлланма, қолганларга зарур кўрсатмалар ҳамда тиббий маслаҳатлар берилди.

Шунингдек, сайлов жараёнларида хотин-қизларнинг иштироки тўғрисида тушунтириш ишлари ҳам ташкил этилди.

Тадбир давомида депутатлар ҳомийлигида қишлоқ врачлик пунктида ҳисобда турувчи, ногиронлиги бўлган фуқароларга совғалар улашилди.

ЎЗ ҲУҚУҚИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ҚАРШИ ЧАҚИРИҚ –

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА МУТЛАҚО ЗИД

» ХАЛҚИМИЗ АЗАЛДАН ҲАР БИР ИШНИ КЕНГАШИБ АМАЛГА ОШИРГАН. ОИЛАДА ҲАМ, МАҲАЛЛАДА ҲАМ, ДАВЛАТ ДАРАЖАСИДА ҲАМ ҲАР БИР МУҲИМ МАСАЛА КЕНГ МУҲОКАМА ҚИЛИНГАН. ШУНДАН СЎНГ КЎПЧИЛИКНИНГ ФИКРИ ИНОБАТГА ОЛИНИБ, УМУММАНФААТ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН. ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ КУНИ ҲАМ ТОБОРА ЯҚИНЛАШИБ КЕЛМОҚДА. ШУНДАЙ ВАЗИЯТДА ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАР ОРҚАЛИ УШБУ СИЁСИЙ ЖАРАЁНГА БОЙКОТ ЭЪЛОН ҚИЛИШ, САЙЛОВЛАРДА ИШТИРОК ЭТМАСЛИККА ЧАҚИРИҚЛАР ЯНГРАБ ҚОЛМОҚДА.

Сайловда иштирок этмаслик нимага олиб келади? Сайловни рад этишдан нима фойда? Ўзи қимлар сайловни бойкот қилишга чакираяпти? Сайлов компаниясини молиялаштириш зарурми, каби кўплаб саволлар ўртага ташланапти.

Сайловлар – ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш, келажатимизни ўз қўлимиз билан бунёд этиш, ўзимиз онгли равишда танлаган муносиб номзод орқали жамият ва давлатни бошқариш демокдир. Унда иштирок этмаслик ёки бойкот

эълон қилиш давлатнинг халқаро имижиги салбий путур етказади. Мамлакатнинг халқаро даражада обрўсизланишига сабаб бўлади. Бу эса умумхалқ манфаатларига зид. Айрим гуруҳлар борки, улар муҳолафат кўринишида ўз манфаатларини ўйлаб сайловларни тўхтатиш орқали жамиятда ижтимоий тангликни келтириб чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар.

Сайлов кампаниялари ўзининг ишчи штабига эга бўлиб, турли хил тадбирлар уюштиради ва номзодларни оммага танитиш

билан шўғулланади. Буларнинг барчаси катта маблағ талаб этади. Биргина АҚШ президентлигига бўлиб ўтган сўнгги сайловда 1,5 млрд доллар маблағ тўпланган.

Ўзбекистонда сўнгги йиллардаги ислохотлар натижасида давлат бюджетидан ажратилган маблағлар очiq-ошкора ОАВ орқали эълон қилина бошланди.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, инсонни у ёки бу ҳуқуқдан фойдаланмасликка даъват этиш тўғри ҳодиса эмас. Инсон ўз танловини мустақил ва ҳеч қандай таъсир доирасидан ҳоли амалга ошириши керак. Ўзини ҳурмат қилган муҳолафат шахсиятга қарши эмас, балки муқобил таклифлар билан фикр билдиради. Шунчаки, ҳавойи гаплар билан тарққиётга етиб бўлмайди.

Қўнғиратбой ШАРИПОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети ректори, профессор.

МЕҲРИБОНЛИК

уйларини битириб чиққан ёшларни уй-жой билан таъминлаш, ишга жойлаштиришнинг янги механизмларини жорий этиш зарур

ЁШЛАР АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУХТОЖ ҚАТЛАМИНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ. ЛЕКИН УЛАР ОРАСИДА ҲАМ АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИККА МУХТОЖ ТОИФА БОР. БУ – ЕТИМ БОЛАЛАР. УЛАРНИНГ САЛКАМ 2 МИНГ НАФАРИ МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИ ҲАМДА БОЛАЛАР ШАҲАРЧАЛАРИДА, 560 НАФАРИ БОЛАЛАР УЙИДА, 21 МИНГ НАФАРИ МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАРИДА ТАРБИЯЛАНМОҚДА. БУНДАН ТАШҚАРИ, 79 МИНГ НАФАР ЎГИЛ-ҚИЗ ҲОМИЙЛИК, ВАСИЙЛИК ВА ОИЛА ПАТРОНАТИ ҚАРАМОҒИГА ОЛИНГАН.

Етимнинг бошини силиш халқимизда олий фазилат саналанади. Ушбу қадрият миллий қонунчилигимизда ҳам ўз ифодасини толган. Масалан, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунга етим болаларга доир алоҳида модда мавжуд. Унга кўра, мазкур тоифа тўлиқ давлат қарамоғига олинади. Яъни давлат етим болаларни ўқитиш, уларни уй-жой, озик-овқат маҳсулотлари, кийим-бош, пойабзал ва бошқа буюмлар билан таъминлашга мажбур. Аммо кези келганда бу каби нормалар фақат қорғозда қолиб кетаётган киши таъбини хира қилади.

Маълумотларга кўра, сўнгги ўн йилда Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчалари битирувчиларининг 51 фоизига уй-жой ажратилган. Меҳрибонлик уйларида чиққан йигит-қизларнинг 64 фоизи иш билан таъминланган. Бундан англашиладики, мамлакатимизда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган фарзандларни турар жой ҳамда иш ўринлари билан таъминлаш тизими ҳали рисоладагидек эмас. Аҳвол неча йилдирки, ўнглолмаяпти.

Хўш, муаммонинг илдизи қерда? Нега махсус муассасалар-

дан учирма бўлаётган минглаб қоракўзларимиз катта ҳаёт қийинчиликлари олдида якка ҳолда қолиб кетмоқда. Ўйлашимча, асосий сабаб ижро интизомиди. Ахир, Меҳрибонлик уйлари битирувчиларининг уй-жой таъминоти Вазирлар Маҳкамаси гардананда-ку. Янада аниқроқ қилиб айтганда, мазкур масалани жойлардаги ҳокимликлар ҳал қилиши керак. Амалда эса отангга бор, онангга бор қабилда иш тугилипти.

Қонуний ҳаққини талаб қиллолмай, давлат идораларининг эшиги тагида сарғайишга мажбур бўлаётган етимлар ҳақида кўп эшитамиз. Улар уй олиш учун асосиз равишда навбатга қўйилади, яна қанча югуриб-елади. Ҳолидан хабар оладиган, мушкулни осон қиладиган, оғир дамда суяб, ардоқлайдиган ҳеч кими йўқ. Бунинг оқиба-тида шусиз ҳам кўнгли нимта қамчиликларга кўзимизни чирт юмиб кетаётганимиз эртага ўзимизга-да қимматга туши-тай таяин. Гап бир-икки киши эмас, бутун ўзбек жамиятининг

тақдири, ижтимоий кайфияти, эртага эл-юртига қандай муносабат кўрсатиши ҳақида бор-моқда.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Юртимиз қонунчилигида ҳар бир бола турар жойли бўлиш ҳуқуқига эгалиги қайд этилган. Турли ваз-карсонлар билан мана шу ҳуқуқни таъминлаб бермаслик қонунга итоатсизлик, қўйингки, етимнинг ҳақиға хиёнат демокдир. Ўзбекистонда Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчалари битирувчиларининг салкам ярми уй-жой билан таъминланмаган. Ваҳоланки, ҳар йили шу мақсадда давлат бюджетидан катта маблағ ажратилади. Демак, халқнинг пули ўртада “туя” қилиб кетилмоқда. Буниси эса энди иқтисодий жиноят. Соҳада коррупция урчиб борган сайин, ижтимоий таъминот механизми издан чиқаверади. Шунча вақт ва маблағни беҳуда совурганимиз қолади, холос.

Мавзунини таҳлил қилиш давомида қизиқ ҳолатга дуч келдик. Расмий манбаларга кўра, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг 17 фоизини чин етимлар, қолган 83 фоизини ота-онаси ёки яқин қариндошлари воз кечган болалар ташкил қилар экан. Кўриниб турганидек, давлат қарамоғига олинган жуда кўп ўғил-қизларнинг ё отаси, ё онаси ёки бошқа қариндошлари ҳаёт. Энди ҳақли савол туғилади: нега уларни ўз оиласига қайтариш чоралари кўрилмаяпти? Масала яна тизимдаги нуқсонларни кўриб, кўрмаслигимизга бориб тақалмоқда.

“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунда айтилишича, ҳар бир боланинг оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқи бор. Барқарор оилавий муҳитнинг бола психикаси учун афзаллигини мутахассислар ҳам

Аброр ҚУРБОНОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
бўлим бошлиғи.



— Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг муҳокамасида эркин иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш зарур.

Ўзбекистон ХДП номзодининг Сайловолди дастуридан

ОДАМ ҚАЙСИ СОҲАДА ИШЛАШИ, ҚАЙСИ КАСБ СОҲИБИ БЎЛИШИ, ҚИШЛОҚ ЁХУД ШАҲАРДА ЯШАШИ, БОЙЛИГИ ЁКИ КАМБАҒАЛЛИГИ, АҚЛЛИЛИГИ ЁХУД ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛИГИ, МАШИНАСИ БОР-ЙЎҚЛИГИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, ИНСОН ТАБИАТИДА ИРОДА КЎРСАТИШ, БОШҚАРИШ, УМУМАН, СИЁСАТГА ҚИЗИҚИШ, ЭҲТИМОЛ, АНГЛАНМАГАН ИНТИЛИШ БЎЛАДИ.

БУНДАН АНЧА ЙИЛЛАР ИЛГАРИ САЙЛОВ ТАДБИРЛАРИ АРАФАСИДА КЎПНИ КЎРГАН, ОЛИМ ИНСОНДАН “МАМЛАКАТ БЕПОЁН БИР ЧАМБИЛ БЎЛСА, УНДА МИЛЛИОН ТУРФА ОДАМ, МИЛЛИОН ХИЛ КЎНГИЛ, ЯНА ҚАНЧА МУАММО БЎЛСА, КИМ ҲАМ ПРЕЗИДЕНТЛИКНИ ИСТАБ МАЙДОНГА ЧИҚАДИ?”, ДЕБ СЎРАШГАНИДА, “ҲЕЧ КИМ ПРЕЗИДЕНТЛИК МАНСАБИГА ЭГА ЧИҚИШНИ ИСТАМАС, АММО МИЛЛИОНЛАБ ОДАМЛАРНИНГ ҲАР БИРИ УМРИ ДАВОМИДА БИР МАРТА БЎЛСА ҲАМ ШУ ҲАҚДА ХАЁЛ СУРИБ КЎРАДИ”, ДЕБ ЖАВОБ БЕРГАН ЭКАН.

ОЛИМНИНГ ХУЛОСАСИГА ҚЎШИЛМАСЛИК ҚИЙИН. ҲАР БИРИМИЗДА СИЁСАТ, ҲОКИМИЯТ ҲАҚИДА ҚАНДАЙДИР ФИКР, ХУЛОСА БОР. ИНСОН БОРКИ, БОШҚАРУВДА ИШТИРОК ЭТИШНИ, ЎЗИНИНГ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИ БИЛДИРИШНИ ИСТАЙДИ.



ФАРҚ

Сиёсий партиялар орасида, дастурларида, фикр-мулоҳазаларида фарқ сезилмайди, одамлар билмайди, дейдиган ва кўрпачани яхши кўрадиган “мутахассис”лар партиялар ўртасидаги кескин сиёсий қарама-қаршилиқни, тўқнашувни Халқ демократик партияси ҳамда “Миллий тикланиш” партияси баҳсида кўриши керак.

Халқ демократик партияси “Барчага ғамхўрлик — давлатнинг бурчи” шиори билан кириб келди. Бу шиорнинг моҳиятида халқнинг, фуқароларнинг олдида давлатни бурчи қилиш ғояси турибди. Бу партия сиёсий платформасининг ўзагини ташкил қиладиган ғоядир.

Халқ демократик партияси муаммоларда, мунозарали ҳолатларда оддий одамларни айбдор қилмайди. Жамиятни ўзгартириш учун давлатни, амалдорларни, уларнинг иш таъминчиларини ўзгартириш керак, деб ҳисоблаймиз. Қонунларни ҳурмат қилиш, демократик қадриятларга риоя этишда оддий одамлар эмас, ҳукумат тизимида фаолият кўрсатган амалдорлар ўрناк бўлиши шарт.

Бизнинг номзод илгари сураётган шиорлардан яна бири – “Иқтисодий ресурслар барча учун”. Ушбу шиорнинг замирида ҳам давлатни ўзгартиришга, амалдорларнинг халқ олдидаги масъулиятини оширишга қаратилган аниқ даъват турибди, бу сиёсий даъват, аниқ стратегиядир.

Табиий, иқтисодий ресурслар жиҳатдан камбағал давлат эмасми. Агар ушбу бойликлар давлат томонидан тўғри ва самарали тасарруф этилса, халқимизга кўпроқ манфаат келтиради, қийинчиликларни, камбағалликни енгиб ўтиш осон кечади. Партиямиз камбағалликни қисқартириш, инсонларнинг ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, бирламчи ҳуқуқларини амалга ошириш, бунинг учун ресурсларни тўғри бошқариш долзарб вазифа, деб билади. Бирламчи ҳуқуқлар – яшаш ҳуқуқи, таълим, тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи ва адолатли шароитларда меҳнат қилиш ҳуқуқидир. Гап бу ерда ҳимоя ҳақида эмас, фундаментал ҳуқуқлар ҳақида кетмоқда.

Бу “Миллий тикланиш”чилар бот-бот такрорлаётган “Ҳама нарсани давлат қилиб бериш керак”, деган мазмундаги бемаъни талқинни буткул инкор этади. Давлат фуқароларнинг устувор ҳуқуқларини таъминлашга масъул ва бурчлидир! Шунинг учун у давлат, шунинг учун у мамлакатдаги барча ресурсларни тасарруф этиш ваколатига эга. Давлат халқдан, унинг манфаатларидан айрича яшай олмайди.

Агар камбағаллик, ишсизлик мавжудлигида қимларгадир ўхшаб халқни айблаш танланса, сиёсий йўлдан адашилади.

“Миллий тикланиш” партиясининг асосий муаммоси, партиянинг ғоявий биқикликка тушиб қолиши партия фаолиятида фикрлар хилма-хиллигига риоя этиш секин-аста унутилаётганига боғлиқ бўлиши мумкин. Бир инсоннинг муайян ҳолат бўйича кечаси уйқуси қочиб ёзган гаплари ҳеч қачон партиянинг сиёсий позицияси бўла олмайди. Сиёсий партия “у киши нима деса, шунақа бўлади”, деб фаолият кўрсатса, сиёсий майдонда узоқ вақт қола олмайди.

Бу партияга Халқ демократик партиясидан охириги эслатма шуки, турмуш ўзгармаса, тафаккур ўзгармайди.

Тўлқин ТўРАХОНОВ.

МАВҲУМЛИК МАНБАИГА САВОЛ:

Қадрият надур?

Сайлов кампанияси, сайлов жараёни одамларнинг ичидаги энг қайноқ, турмуш ташвишлариға кўмилиб, чуқурликда қолиб кетган хоҳиш-истакларини уйғотишда тенги йўқ жараён ва бундай жараён ҳар доим ҳам бўлавермайди. Қайси соҳа вақили бўлмайлик, ҳаммамизнинг ҳаётда қиладиган ишимиз, ўй-ташвишларимиз бор. Лекин мўайян бир давр келадики, истаидими-йўқми, ҳамма давлат бошқаруви ҳақида ўйлайди, истаидими-йўқми, у сиёсатчиға айланади. Бу сайлов кампанияси вақтидир.

ҚЎРҚУВ, ҲАЗИЛ, ЧИН ВА СИЁСИЙ КУРТАКЛАР

Сайловға тобора яқинлашиб бормоқдамиз. Тўғрисиини айтиш керак, бу жараён, бу сайлов кампанияси олдингиларидан мутлақо фарқ қилади. Бундан 10 йилча олдин парламент сайловими, Президент сайловими, қанчалик асабий ўтганини жараёнда иштирок этганлар билади. Ёдлатилган гапини эсидан чиқариб қўйгач, босимдан қўрққани учун қанча одамлар дард орттирганларини биладиган бор. “Президентлик сайловида ғалаба учун курашамиз”, деган гапни телевизорда айтмаслик учун кўп нарсаса тайёр одамларни кўрганмиз, тўғриси.

2019 йилда бўлиб ўтган парламент сайлови кампаниясининг охириларига бориб, асабий муҳит секин-аста ечилила бошлади. Бошида “Сен хоҳлаган гапингни гапирганинг билан, орқада ўтириб олиб кузатиб, ҳисоб-китоб қилиб боришади”, деган тушунчалар бор эди.

Кейинроқ, эҳтимол ҳазил чинга айланиш жараёнида сиёсий фикрини, қарашларини, жамият, давлат, ҳокимият бошқаруви ҳақида хулосаларини, муस्ताқил фикрини билдиришни истаидиганлар кўпайиб борди, “менга минбар беринг, гапираман, айтаман”, дегувчи талабгорлар чикди, янги сиёсий куртаклар бўй кўрсата бошлади.

МИНБАР ВА МАСЪУЛИЯТ

Жамият қандай ривожланади, қандай йўлдан боради? Давлат бошқаруви институтлари қандай такомиллаштирилади? Шахс омилидан қонун омили қачон кучли бўлади? Халқимизнинг ҳаёти, бошқарувдаги иштироки ва ўрни қандай бўлади?..

Шу каби саволларға жавоб топиш, жавоб топиш майли, аввало шу ҳақда мулоҳаза юритишға ундаш нуқтаи назаридан сайлов кампанияси сиёсий партиялар, сиёсатчилар учун катта имкониятдир. Бу тенгсиз жараёнда ҳамма нарса табиий ва самимий бўлиши муҳим. Чунки жамоатчиликда давлатдан, сиёсатдан

хафсаласи пир бўлиш, маиший қобикқа ўралиб олиш синдроми қайталаши мумкин.

Сиёсатчининг гап-сўзлари, таклифлари, ўзини тутуши популизм учун эмас, табиийликдан, самимийликдан куч олиши зарур. Бу даврда сайловчиларнинг назари сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодларда, сиёсатчиларда бўлади.

Халқ кузатиб турган, оммавий ахборот воситалари ва бошқа минбарлар мунтазир пайтда енгил-елпи гапларни эмас, юракдан, аниқ мақсад, ғоялар ифодаланган дастурларни айтиш муҳим. Сиёсий минбар цирк сахнаси эмас.

УЗУН ТИЛ

Муҳим пайтда айрим партиялар, хусусан, “Миллий тикланиш” партиясидаги пишмаган сиёсатчилар халқимиз манфаатига, жамият тараққиётиға, давлат бошқарувини такомиллаштиришға хизмат қиладиган ғоялар, ташаббусларни тарғиб қилиш, тушунтириш ўрниға, ўзларини худди шоу-бизнес вакиллари, шоуменлардек тутмоқдалар.

Ўрни келганда айтиш керак, ҳозирги кунда ижтимоий тармоқлар орқали чиқиш ўзига хос бизнес, маркетингдир. Биласиз, шоуменларнинг мақсади – қандай қилиб, нима қилиб бўлса ҳам ўзининг трендда бўлишиға эришиш, доим жамоатчиликнинг эътиборида юриш, кўпроқ “лайк” йиғиш, пировард мақсад пул ишлашдир. Бу борада улар ҳатто арзимаган, бемаъни нарсаларни ҳам кўтариб чиқадиладар. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Уларни айблаб, ёмонлаб бўлмайди, тирикчиликнинг айби йўқ.

Лекин, сиёсатчилар, масалан, “Миллий тикланиш” партиясининг раиси шоуменларнинг йўлидан юрса, камида сиёсий жараёнларға қизиқа бошлаган ёшларға катта зарар етказади.

“Нима бўлса ҳам, майли, мен ҳақимда гапиришса бўлгани”, деган ўй одамни адоий тамом қилиши мумкин. Машхурликка ҳаддан ортиқ интилиш ҳисси руҳиятнинг зўриқишиға олиб келади.

СИЁСИЙ ХАРАКТЕРСИЗЛИК

“Миллий тикланиш” партияси раисининг ОАВ ва ижтимоий тармоқлардаги муҳокамаларға энг кўп сабаб бўлган чиқишларини кузатадиган бўлсангиз, партиянинг ғояси, таклифлари ҳақида жўяли, характерли гап йўқ. Улар ўзларининг ғоявий мақсадлари эмас, бошқалар ҳақида гапириш билан овворалар. Ҳатто бошқа партияларнинг дастурларидаги гапларға ҳам ўтилди, дейилмоқда.

Сиёсий партиянинг мақсади аниқ ва битта – ҳокимият учун курашиш. У давлат бошқарувини ислоҳ этиш, шу орқали ўзининг ғояларини амалга ошириш имконига эга бўлиш учун ҳаракат қилиши керак, зарур. Президент сайловида аниқ мақсадға интилиш ўрниға, майда, бачкана ишлар билан шугулланиш ўта кулгулидир.

Сиёсий партиянинг асосий мақсади ҳокимият тепасига келиш экан, сайлов кампаниясидаги шиор ҳам шу мақсадға хизмат қилиши муҳим. Лекин “Миллий тикланиш” партиясининг асосий шиорларидан бири сифатида илгари сурилаётган “Инсон ўзгарса, жамият ўзгаради”, деган гапни моҳиятиға кўра, сира сиёсий партия шиори, деб бўлмайди. Сиёсий партия аввало бошқарувни, ҳокимиятни ўзгартириш, яхшилаш ҳақида ўйлаши керак эмасми?

Нега бу партия инсонни ўзгартироқчи? Ният инсонни ўзгартириш бўлса, сиёсий майдонда нима бор? Ўзгартириш айнан нима? Қайта дастурлашми?..

(“Инсон ўзгарса – жамият ўзгаради” деган шиор кўпроқ маънавият тарғиботи билан шугулланадиган идора учун хос эмасми? Бизнингча, бу шиор фаолияти айнан ушбу йўналишға ихтисослашган ташкилот учун узукка кўз қўйгандек мос тушади).

ЎЗГАРТИРИШ АЙБЛАШ ДЕГАНИМИ?

Ушбу сиёсий партия пешволарининг чиқишларини кузатсак, жамиятдаги муаммолар, мунозарали масалаларда одамларни айблашға уриниш, ушбу ҳолатға ошuftалик аққол сезилади.

Ҳаётимизда юзаға келган муаммолар, уларнинг ҳал этилмаётгани учун биринчи навбатда одамлар айбдорми?

Сув, йўл, мактаб, иш ўрни, барқарор даромад, қонун ва кафолат етишмаслигида қандай қилиб одамлар айбдор бўлиши мумкин? Бу нарсаларни таъминлаш давлатнинг, амалдорларнинг зиммасидаги масала эмасми? Инсонни қадрлаши мақсад ёки уни нишонға олишми?

“Муаммо машинанинг қимматлигида эмас, муаммо одамларнинг кам даромад топаётганида”. (“Тўш ўнг бўлмас, ўнг туш бўлмас”, деган машхур қочирик эсға тушиб кетди).

“Миллий тикланиш” партияси сафида сиёсий партия мақсади-мазмунини тушунадиган яхши кишилар борлигиға қаттиқ ишонамиз.

Менимча, партия пешволари анойи эмас, аслида масаланинг моҳиятини тушуниб туриб, ҳокимият ва одамлар ўртасида мунозарали ҳолат юзаға келганда, атайлаб осон

йўл танланса керак. Амалдорлар, ҳукуматдагиларни танқид қилмаслик, сиёсий эҳтиёткорлик учун.

Ҳеч қандай ваколати бўлмаган, турмуш қийинчиликларига қорилиб юрган одамларни айблаш осон, ҳеч нарса қилмайди, деб ўйланса керак.

Эслаб кўринг, Сурхондарё вилоятида уй-жойларни бузиш жараёнида аҳоли билан ҳокимият юрган одамларни айблаш осон, ҳеч нарса қилмайди, деб ўйланса керак.

Қайси муаммода “Миллий тикланиш” халқ томонида бўлганини эслаш қийин ҳозир. Монопол компаниялар, ҳукумат, вазирликлар, корхоналар томонида туриш хавфсизроқмикан? Машхурлик, сиёсий келажақ учун халқдан узоқлашиш, ... билмадим.

ТАЯНЧГА ТЕПКИ

Партия раисининг ўқитувчиларнинг савияси ва уларнинг ойлик иш ҳақи ҳақидаги фикрларини эсласак, ўқитувчилар, зиёлилар хафа бўлишса керак. Ўқитувчилар, уларнинг яқинлари, шогирдлари Тошкентға келолмаган бўлиши мумкин, лекин сайлов куни маҳалласида, мактабда туриб сиёсий салом айтишади.

Одам машхурлик учун ўзини кўтариб турган шоҳға болта уриши мумкинми? Тиктокерча қайфиятга мубталолик шунға ундаши мумкин шекилли. “Миллий тикланиш” зиёлиларға таянади, дейишарди, энди ўша таянч ҳам йўқолиб бораётганға ўхшади.

Болаларға таълимни ўз ишидан мамнун, ўзи ишининг фидойиси бўлган муаллимлар беради. Шароит бўлиши керак, лекин боланинг сифатли таълим олиши биринчи навбатда ўқитувчиларға, уларнинг ҳимояланганлигиға, кафолатланганлигиға боғлиқ. Қадрият инсонда бўлади, бетонда эмас.

СИЁСИЙ МАВҲУМЛИК САРИ

Ажаб, “Миллий тикланиш” партияси “Қадриятларға асосланган тараққиёт” деган шиорни илгари сурмоқда. Ўйлаб кўринг, юқорида эсланган чиқишларда қандай қадриятлар ҳақида гап кетяпти? Одамларни айблаш қачон қадриятға айланди?

Шиорда демократияға ишора қилинаётган бўлса, унда асосий урғу амалдорлар, монополлар, корхоналар ҳимоясига эмас, халқ манфаатларига берилади. “Миллий тикланиш” партияси ва сиёсий мавҳумлик ҳақида узоқ гапирса бўлади, лекин газетада жойни асраш, увол қилмаслик касбий қадрият.



— Кам таъминланган оилаларнинг иқтидорли фарзандлари таълим олишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш даркор.

Ўзбекистон ХДП номзодининг Сайловолди дастуридан

15-sentyabr, chorshanba, 2021-yil.
№37 (32679)

СОВГАЛАР – ХУРЖУН, БАҲОНА – ЧУЧМАЛ, ТАЛАБ ҚИЛГАН – АЙБДОР



ёхуд вазирлик матбуот котибига аталган ШПАРГАЛКА

МУАММОНИНГ МАЗМУНИ ШУКИ,
ХАР ЙИЛИ БИРИНЧИ СИНФГА ҚАБУЛ
КИЛИНГАН ЎҚУВЧИЛАРГА УЗОҚ ЙИЛЛАР
ДАВОМИДА ШАКЛЛАНГАН АНЪАНАГА
МУВОФИҚ, 12 ХИЛ ТУРДАГИ ЎҚУВ
ҚУРОЛЛАРИ ВА БОШҚА СОВГАЛАР
БЕРИЛАР ЭДИ. АММО, БУ ЙИЛ ҲАМ
СОВГА МАСАЛАСИ ХУРЖУН БЎЛДИ:
ТАРТИБСИЗЛИК, ТУШУНАРСИЗЛИК,
ИЗОҲЛАРДАГИ НОАНИҚЛИК...

Халқ таълими вазири баёнот берди. Бу баёнотнинг мазмуни шуки, айрим ота-оналар мактаб ёшига етган болаларини вақтида рўйхатдан ўтказдирмаган, яъни, бўлажак ўқувчилар ҳақидаги маълумотлар ўқув йили арафасида тўлиқ бўлмаган, соддароқ тушунтирганда, мактаб ёшидаги болалар режадагидан кўп бўлган.

Кулгили баҳона, ачинарли даражада кулгили. Нега? Куйида тушунтираман:

1. Ҳукумат қарорига кўра, ФХДЁ архиви тўлиқ шаклда электрон базага киритилганига бир йилдан ошди. Демак, Давлат хизматлари агентлиги маълумотлар базасида мактаб ёшидаги жами болалар ҳақидаги аниқ ва тўлиқ маълумот мавжуд!

2. Халқ таълими вазирлиги мактаб ёшидаги ўқувчилар салмоғини қайд этиш, шакллантириш тактикасини мутлақо ўзгартириши лозим. Ҳали июнь-июль ойларидаёқ мактаб ёшидаги фарзанди бор бўлган ота-оналар ўртасида манзилли сўровнома ўтказиб, боласини қайси мактабга олиб бориши бўйича маълумотларни шакллантириб олиши мумкин эди. Август охирида қўлида дафтар, ручка билан мактабда ўтириб, кимлар келади мактабга деб ўтириш – алмисокдан қолган усул. Ибтидоий даврга қайтиш. Ахир электрон ҳукумат деган гаплар осмондан тушмаган, қолаверса, вазиримизнинг ўзи АКТ бўйича мутахассис!

3. Бу ҳам майли, етказиб берилган совғалар ҳам турлича бўлган. Қаердадир 10 турдаги ўқув қуроллари бўлса, бошқа жойларда 7-8-9 турдаги совғалар бўлган. Яна қаерлардадир эса фақат мактаб сумкасининг ўзи борган, ичи эса бўм-бўш. Бу шундан дарак берадики, таъминот занжирида нимадир нотўғри.

4. Бу каби ҳолатлар кейинги икки йилда қайта ва қайта такрорланаяпти. Ўтган йили ҳам шу каби муаммолар рўй берганда, пандемия туфайли содир бўлган ҳолатга, қутилмаган шароитда ишлашга тўғри келганига йўйган эдик. Лекин бу йил нима баҳона?

5. Ва ниҳоят охирги мулоҳаза. Нега Халқ таълими вазири билан юз бераётган ҳолатларда ҳар доим одамлар, ота-оналар айбдор бўлаверади? Сизларнинг бисотингизда бошқа тузукроқ ғоя йўқми, дегинг келади!..

Маълумот учун, республикамикс миқёсида 10 минг 83 та умумтаълим мактаби мавжуд. Бу йил умумтаълим мактабларининг 1-синфига 600 минг нафарга яқин бола борган.

Тоштемир Худойқулов,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

Р.С. Халқ таълими вазирлиги

матбуот котибига шпаргалка:

Қисқа-си, мен – ушбуни ёзган Тоштемир Худойқулов ҳаммасига ўзим айбдорман. Аслида нима бўлганини тушунмасдан, билмасдан ёздим. Халқ таълими вазирлиги ҳаммасини ўтaketган мукамал изохлаган, тушунтирган. Мен шунчаки одамлар орасида нотўғри маълумот тарқатаяман. Жим юрсам бўлмасмиди?..

ЖАРАЁН

МАКТАБ ВА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ муассасаларидаги ўқувчилар ва тарбияланувчиларни сифатли озиқ-овқат билан кафолатли таъминлашнинг аҳамияти ҳақида

ЯҚИНДА БИР МАЪЛУМОТГА КЎЗИМ ТУШИБ ҚОЛДИ.
«MERCY CORPS» ТАШКИЛОТИ (АҚШ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ (USDA) ТОМОНИДАН МАБЛАҒ БИЛАН
ТАЪМИНЛОВЧИ) «ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ВА БОЛАЛАР
УЧУН ОЗИҚ-ОВҚАТ МАКГОВЕРН-ДОУЛ ХАЛҚАРО ДАСТУРИ»
ДОИРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК
ОСОЙИШТАЛИК ВА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ХИЗМАТИ БИЛАН
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИНИ ИМЗОЛАБДИ.

Янгиликка кўра, бюджети 21,5 миллион АҚШ доллариغا тенг ушбу дастур 400 дан ортиқ мактабгача таълим муассасасини озиқ-овқат билан таъминлайди ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Сурхондарё вилоятидаги 245 та қишлоқ ва кам таъминланган мактабгача таълим муассасасидаги 90 000 нафар бола учун овқатланиш ва таълим олишни такомиллаштириш бўйича қўшимча инфратузилмани ривожлантиришни кўзда тутди.

Бу хабарни ўқиб, мактабгача таълим ёшидаги болаларга яхши бўлганидан суюниб турган ҳам эдимки, янгиликка фейсбук ижтимоий тармоғидаги бир фойдаланувчининг изоҳига кўзим тушди. Изоҳда шундай дейилган: “Ҳамкасбимнинг бир қўшниси кунора уларнинг музлатгичига вақтинча гўшт қўйиб туриш одатини чиқарибди. Ёғсиз, суяксиз лаҳм гўшт. Бу гўшtdан сотиб олишни ҳам бир-икки марта таклиф қилибди.

Ўзининг музлаткичига сиғдирилмай, бошқаникига қўйиб туришга, ўзлари еб улгуролмай, сотиб юборишга эҳтиёжи туғилган бўлса керак, шўринг курғурнинг.

Ҳамкасбим суриштириб кўрса, у қўшни болалар боғчасида ошпаз бўлиб ишлар экан. Кейин аёлига қўшни гўштини қўйиб туришга бошқа рухсат бермасликни тайинлабди.

Боғчадаги таомлардан ота-она ва болаларнинг нолигани қўлоғимизга тез-тез чалиниб туради. Боғчаларга етиб келгунча гўштлар неча поғоналардан юлиниб-шилиниб, болалар овқатига чандир, ёғ, қуруқ суяклар тушса керак.

Энди Америкадан келаётган ёрдамдан кимлар кўпроқ хурсанд бўлаётгани ва у ёрдамнинг қанчаси болалар ошқозонига етиб боришини тасаввур қиляпман”.

Изоҳда айtilган ҳолатга бирор сўз дейишга ҳам кишининг асаби бардош бермайди. Негаки, келажагимиз эгаси деб тарби-

ялаётганимиз болаларнинг ризқини қийиб, улар учун ажратилган маҳсулотларни уйига олиб кетаётган виждонсиз мактабгача таълим муассасалари ходимларига гап таъсир қилишига одамнинг ишонгиси ҳам келмайди.

Инсон боласини боғчага текинга бермайди, ҳар ой белгилаб қўйилган маблағни тўлайди, болам шу ерда бирор нарса ўргансин, дейди. Лекин юқоридаги каби ҳолатлар кўнгилни хира қилиб, олиб борилаётган сиёсатга нисбатан ишончсизлик кайфиятини пайдо қилади. Чунки, агарки, боғча ходими шунчалик разилликка боряптими, демек тизимдаги катталар ундан ҳам каттароқ “ишлар”ни қилаётган бўлиши мумкин, деган гумон пайдо бўлади.

Мавзуга қайтадиган бўлсак, озиқ-овқат маҳсулотлари инсон организмни мўътадил даражада ушлаб турувчи манба ҳисобланиб, ҳар бир инсоннинг ўз вақтида, меъёрида ва ёшига мос равишда овқатланиши муҳим аҳамиятга эга. Шу каби болаларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан ривожланишида улар танаввул қилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг ўрни бекиёс. Мутахассислар фикрига кўра, организмда етарли даражада, яъни сарфланадиган ва озиқ-овқатлар билан тушадиган қувват ўртасида мувозанат сақланса, инсон соғлом бўлади.

Тадқиқотларга кўра, мактабгача бўлган ёшдаги болаларнинг организми тез ўсади, тана аъзолари шаклланиши давом этиб, алмашув жараёнлари юқори тезликда кечади. Бу даврда марказий асаб тизими тезкор суръатда ривожланади. Мактабгача даврининг охирида болада барча асосий ҳаракатларни эгаллаши ва нутқи яхши ривожланиши жараёни кечади. Бу эса уларда юқори ҳаракат фаоллигини ва катта энергия сарфланишини талаб этади. Бола организмнинг ривожланиши, ҳужайралар тузили-

ши учун керак бўлган моддалар, биринчи навбатда оқсиллар, витаминлар ва минералларни кўп талаб этади. Айни ёшда кўп вақти мактабгача таълим муассасасида ўтадиган болаларимизнинг қандай овқатларни еётгани муҳимдир.

Шунингдек, мактаб ёшидаги болаларнинг ҳам рационал овқатланиши уларнинг ҳар томонлама ривожланишининг бирламчи шартларидан ҳисобланади. Мактаб даври ёшидаги болаларда тезкор ўсиш, мушак ва суякларнинг катталаниши, моддалар алмашинувини кучайиши кузатилади. Айнан шу даврда одам организмнинг тўлиқ етилиши ва шаклланиши кузатилади. Бу мураккаб жараёнларни таъминлаш учун мактаб ёшидаги бола таркиби етарли даражада моддалар ва

витаминларга бой тўлақонли биологик маҳсулотлар қабул қилиши керак. Шу сабабли мактаб ошхоналарида қандай овқатлар қилиниши, ўқувчилар нималарни танаввул қилаётганига ҳам жиддий эътибор қаратиш лозим.

Ўсмирлик даврида қатор касалликлар нотўғри овқатланиш сабабли юзага келади. Ушбу ёшларда чизбургер, гамбургер, хот-дог, чипслар билан биргаликда кола, газли ва рангли салқин ичимликларнинг истеъмол қилиниши турли хил касалликларнинг ривожланишга олиб келади. Овқат тайёрлаш жараёнида қўпол хатоликларга йўл қўйиш, маҳсулотларни тайёрлаш технологиясига амал қилмаслик овқат сифатининг пасайишига, организм учун ҳеч қандай қийматсиз таомга айланишига олиб келади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда шунини таъкидлаш мумкинки, мамлакат келажагининг бунёдкори бўлган фарзандларимизни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш йўлида ҳар биримиз масъул бўлмоғимиз даркор. Қадимги юнон файласуфларининг фикрича, одамнинг еётган овқати бевосита унинг тақдирига ҳам таъсир кўрсатади.

Боймурод ЮСУПОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
бўлим бошлиғи.



Сурат интернетдан олинган.




— Камситишларга қарши қонунчиликда белгиланган меъёр ва қоидаларнинг амалда, айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига нисбатан тўлиқ ва сўзсиз бажарилишини таъминлаш зарур.

Ўзбекистон ХДП номзодининг Сайловолди дастуридан

МУЛОҲАЗА

ТЕНГЛИК, ҲУРМАТ, ИЗЗАТ СЎЗДА ЭМАС – АМАЛДА БЎЛСИН!



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 46-МОДДАСИДА «ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭРКАКЛАР ТЕНГ ҲУҚУҚЛИДИРЛАР», ДЕБ БЕЛГИЛАНГАН. ДЕМАК, ЮРТИМИЗДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИНИНГ ҲАМ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ, ҲАМ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ КАФОЛАТЛАНГАН. ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ ИЖТИМОИЙ ТЕНГЛИКНИ ҲАМ АНГЛАТАДИ. БУНДАЙ ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУНЛАРГА ЗАРУР ҚОИДАЛАРНИ КИРИТИШНИНГ ЎЗИ КИФОЯ ЭМАС. ЖАМИЯТДА, ОДАМЛАРДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ҲАМ ЮКСАЛТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ МУҲИМ. БИЗДА ЭСА ҚОНУНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЮ, УЛАРНИНГ ИЖРОСИГА КЕЛГАНДА МАСЪУЛ ИДОРАЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТСИЗЛИГИ ЮЗАГА ЧИҚАДИ.

ИШЛАМОҚЧИМАН, АММО...

– Мен олий маълумотлиман. Ёшим 36 да, – **деб ёзади Самарқанддан Нилуфар Назарова.** – Пайариқ тумани “Сарбозор” маҳалласида яшайман. 5 нафар фарзандим бор. Яқинда иш сўраб порталга мурожаат қилдим. Улар мурожаатимни туман бандликка кўмаклашиш марказига юборишди. Бундан уч йил олдин ҳам бу ташкилотга учрашганман ва ҳеч қандай ижобий жавоб олмаганман.

Шунга қарамасдан, яна бандликка кўмаклашиш марказига бордим. Ҳолат такрорланди. Яна мутахассислигим бўйича иш йўқлигини айтишди. Кейин мен ишсизлик нафақаси учун ариза ёздим. Марказ раҳбари кейинги ойдан нафақа чиқишини, иш топишгаям кўмаклашишини айтди. Мана, икки ойдан ошди ҳамки на нафақадан дарак бор, на ишдан. Мен мана шундай лоқайд, бепарво, масъулиятсиз раҳбарларга шундай мурожаат қилмоқчиман: Сиз кимга қандай муомала қилсангиз ҳам давлат номидан иш юритаётганингизни унутманг. Ҳукумат сизга берган ваколатни суиистеъмол қилишга ҳаққингиз йўқ.

Юртимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларга кенг имкониятлар яратиш, яшаш шароитларини яхшилаш, умуман, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тенг ҳуқуқлигини таъминлаш борасида зарурий ҳужжатлар, қонун ва қарорлар ишлаб чиқилган, қабул қилинган. Аммо уларнинг кўпчилиги ишлаб чиқилган бўйи қоғозларда қолиб кетаётганини инкор қилолмаймиз. Улар қай даражада ишляпти ёки умуман, ишляптими аслида, деган саволлар юзага чиқди.

Аёл аввало, она, уйда бекалик қилади, вақти келса рўзғор тебратишга кўмаклашади. Ишласам, фарзандларимга ул-бул олсам, оила камини тўлдирсам, дейди. Хўш, у агар қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлса-чи? Ишлашни истаса, иш тополмаса, ҳомиладор бўлса, ишга олинмаса, иш ўринлари қисқарганда уларнинг номзоди биринчи ўринларга қўйилса, гендер тенглиги ҳақида гапиришга, хотин-қизларга яратилган шароитлар ҳақида мақтаниб ёзишга ўрин бўладими? Йўқ, албатта.

ЁЛҒИЗ АЁЛЛАР БОШНИ ТОШГА УРСИНМИ?..

Хабарлар оқимидан: “Биз Андижон шаҳридаги Чўлпоншоҳ кўчаси, 182-,185-уйларга тўлов

қилгандик. Шартномада уй тайёр ҳолатда 2020 йил декабрда берилиши керак эди. Аммо ҳалигача бермаяпти ва қурилиш эгаси, Қирғизистон фуқароси кетиб, бедарак йўқолган. Ёрдам берсангиз, амалий ёрдамингизга муҳтожмиз. 2 нафар вояга етмаган фарзандим билан ёлғиз онаман. Андижон шаҳар ҳокими 10 сентябрга ваъда бераман, деганди. 6 ойдан бери югуриб юрибмиз”.

Бу – аёлларга кўрсатилаётган амалий ёрдам, берилаётган имтиёзлар намунасими? Уларни алдаб, пулини олиб, ватансиз – уйсиз қолдириш, фарзандлари билан кўчада сарсон қилиш қайси амалдорнинг, қайси фебрибгарнинг эрмаги бўлди экан? Ёлғиз аёлнинг топганига қўз тиккан, мисқоллаб йиққан-тергани ҳеч бир иккиланишсиз тортиб олинаётган жойда аёлларнинг камситилишига йўл қўймаслик ҳақида оғиз очишнинг ўзи уятли.

Ким билади, ёлғиз аёллар жамиятнинг қанча қисмини ташкил этади? 10 фоиз, 20 фоиз... менда бу ҳақда аниқ маълумот йўқ. Аммо шуни биламанки, ҳамма тенг ҳуқуқли бўлган жамиятимизда ёлғиз аёллар ҳақида бу фикрни айтолмаймиз. Ҳатто уларга имтиёзлар берилган тақдирда ҳам амалда ҳамон сарсонгарчиликлар, қўлларида сертификатлари билан идорама идора юрганлар талайгина.

Газетамизнинг жорий йил 7 июль сониди мана шундай вазиятга тушган аёл ҳақида мақола берилган эди. Ҳолат юзасидан ҳокимиятга хат ҳам чиқарилди. Жавоб хатида эса бу муаммони ҳал этиш ҳокимият зиммасига кирмаслиги, бошқа масалаларда эса ёрдам кўрсатилиши баён этилган. Аёл кўлида субсидия учун сертификат билан ҳеч нима қилолмай икки фарзанди билан уйсиз юрибди. Банклар эса унга уй учун пул ҳам, субсидия ҳам ажратмаяпти. Боиси унинг уйга тўлаш учун маоши етмайди. Мантиқсиз, маъносиз, кераксиз имтиёзлар кимга керак, деб ҳайқиринг келади шундай пайтларда...

ТАЗЙИҚЛАР...

Хабарлар оқимидан: Фарғона вилояти Ўзбекистон туманида номаълум шахс туғуруқхонада ишловчи ҳамширанинг сочидан тортиб ташқарига судраб чиқаётгани акс этган видео тарқалди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу вазиятти назоратга олганини маълум қилди. Тошкентда 27 ёшли йигит имконияти чекланган

“
АЁЛ АВВАЛО, ОНА, УЙДА БЕКАЛИК ҚИЛАДИ, ВАҚТИ КЕЛСА РЎЗҒОР ТЕБРАТИШГА КЎМАКЛАШАДИ. ИШЛАСАМ, ФАРЗАНДЛАРИМГА УЛ-БУЛ ОЛСАМ, ОИЛА КАМИНИ ТЎЛДИРСАМ, ДЕЙДИ. ХЎШ, У АГАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА МУҲТОЖ БЎЛСА-ЧИ? ИШЛАШНИ ИСТАСА, ИШ ТОПОЛМАСА, ҲОМИЛАДОР БЎЛСА, ИШГА ОЛИНМАСА, ИШ ЎРИНЛАРИ ҚИСҚАРГАНДА УЛАРНИНГ НОМЗОДИ БИРИНЧИ ЎРИНЛАРГА ҚЎЙИЛСА, ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ ҲАҚИДА ГАПИРИШГА, ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ЯРАТИЛГАН ШАРОИТЛАР ҲАҚИДА МАҚТАНИБ ЁЗИШГА ЎРИН БЎЛАДИМИ? ЙЎҚ, АЛБАТТА.

қизни калтаклади, Самарқандда гўзалик салоида ишлайдиган аёлни маст эркак аёвсиз калтаклади. Эрининг тазйиқлари ва хўрлашларига чидай олмаган аёл ўзини ўлдирди...

Рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Булар фақат эълон қилинганлари, расмий маълумотлар холос... Норасмийлари, дардини ичига ютиб юрганлари, ҳаёт шу экан-да, дея қўрқувда яшаётганларнинг саноғи ҳам кам бўлмаса керак.

Минбарларда аёлларни мадҳ этамиз, уларнинг шаънини улуғлаймиз, хотин-қизларни қадрлаш ҳақида ваъзхонлик қиламиз. Аммо ҳаётда эса... ҳамширанинг сочидан тортишади, аёлини тепкилашади, укасининг келинини уйдан ҳайдаб солади, солиқчилар сотувчи аёлларнинг бўюмларини ер билан битта қилиб, ўзларини судраб кетишади...

Хўш, биз улуғлаётган, мадҳ этаётган аёллар қадри шуми? Ҳақ-ҳуқуқларини билмайдиган, ўзини ҳимоя қилолмайдиган, рўзғор ташвишида ўзини ўтга-чўққа ураётганларни ерга уриб, қадрини топтаб, зулм қилаётганларга томошабин бўлаётганимизнинг ўзи ачинарли эмасми? Уринг, тепкиланг, сочидан судранг... Ахир биз хотин-қизлар тенг ҳуқуқли бўлган мамлакатда яшаяпмиз-ку. Тенг ҳуқуқли, деб қучингизни ожизага кўрсатинг, шундай тарзда ўзингизни баландга кўтариб олмасангиз, улар ҳокимият тепасига чиқиб олишади, ахир...

ОҒРИҚЛИ НУҚТА

Хабарлар оқимидан: Бухорода 14 ёшли қизни зўрлаб, ишқий муносабатга мажбурлаган чўпон 3 йилга қамалди, Самарқанддаги текстиль корхонада ишловчи 19 ёшли қиз автомобилда зўрланган. Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида Б.Э. исмли шахс 16 ёшли вояга етмаган (мактаб ўқувчиси) қизнинг ожизлигидан фойдаланиб, номусига теккан...

Бу ҳолатлар ҳақида ёзиш, ўқиш, умуман, эшитиб, хабар топишнинг ўзи оғриқли. Эндигина ҳаётга мустақил қадам ташлаётган қизнинг маюс нигоҳи жонжонингни тешиб ўтади, юрагинг симиллайди. Номусга чидай олмай ўзини ўлдирган яна бир қизнинг аччиқ қисмати оғриқли қалбингга яна бир зарба бўлади. Бу ҳолатлар ҳақида фақат ахборот бериш, маълум бир чора қўриш билан чекланиляпти.

Тўғри, реабилитация марказлари ишлаб турибди, Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида, Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида қонунлар қабул қилинган, Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияга қўшилганмиз.

Аммо марказлар ҳолатдан кейинги вазиятларга кўпроқ эътибор қаратади, қонунларнинг эса амалдаги ҳолати ҳақида эса юқорида айтиб ўтдик. Онда-сонда тегишли идораларнинг йиллик, чораклик ҳисоботларини эшитиб қоламиз. Тақдирнинг қаттиқ зарбасидан довдираб қолган, номусдан бошини қай тошга уришни билмаётган ҳали гўдак қизларни қандай асраш, уларнинг алдовларга йўлиқмасликлари, ўзларини ҳимоя қилишга ўргатиш масалаларига янада эътиборли бўлишимиз керак, назарамизда.

Тўғри, бу борада идоралар семинарлар, тренинглар, давра суҳбатлари ўтказиб келишади. Аммо буларда аскарият хотин-қизларнинг ўзлари иштирок этади. Уларни хўрлаётган, камситаётган, зўравонлик қилаётганлар яна четда қолиб кетаверади. Ўғил болалар, эркакларнинг ўзлари билан бу борада очиқ суҳбатлар ўтказиш, ижтимоий роликларни кучайтириш, гул ҳаётларини тупроққа топтаётган аёлларнинг аччиқ кечинмаларидан уларни хабардор этишга уринишимиз керакдир, балки.

Гулруҳ ОДАШБОВЕВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.

Аёл ва сиёсат

Тарихий маълумотларга кўра, Соҳибқирон Амир Темурнинг аёли Сароймулкхоним мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётида катта ўрин тутган. Ҳамда Соҳибқирон жанг сафарларида бўлган вақтида мамлакатни бошқариш ишини ҳам Сароймулкхоним амалга оширган. Бу ўзбек аёлининг нафақат меҳрибон она, жонкуяр турмуш ўртоқ, балки давлат ишида ҳам беназир эканидан далolat беради.

Куни кеча "Миллий тикланиш" демократик партияси етакчисининг қоғозга ўраб, силлиққина қайд этилган материали эълон қилинди. Унда аёл кишининг мамлакат бошқарувида бўлиши ғарбга тақлид эканлиги, аёл киши миллионлаб одамларнинг таъминини елкасига ололмаслиги каби асоссиз фикрлар билдирилган.

Партия етакчисининг бу фикрлари тўғриси, одамнинг кулгусини қистатади. Негаки, фақатгина ғарбда эмас, шарқда ҳам аёл раҳбарлар мамлакатни бип-бинойи бошқарган. Мисол учун, Покистонда Беназир Бхутто хоним уч марта Бош вазир лавозимида ишлаган, Ҳиндистонда Индира Ганди мамлакат бошқарувида катта ўрин тутган аёл бўлган, Сингапур президенти Ҳалима Ёқуб ҳам мамлакатда улкан сиёсий ислохотлар қилган, Бангладеш Бош вазири Шайх Хасина хоним ҳам давлат сиёсатида муҳим ўзгаришларни амалга оширган аёлдир.

Сиёсий лидерлик кишидан кучли билим-тафаккур билан биргаликда кенг дунёқараш, адолат мезонини олтин ўрналиқда ушлаб туришни ҳам талаб этади. "Миллий тикланиш" демократик партияси етакчисининг ўзбек аёлини давлат бошқарувида яқинлаштирилмаслиги ҳақидаги фикри ана шу олтин ўрналиққа мутлақо зид ҳолат ҳисобланади.

ЎЗБЕК АЁЛИНИ СИЁСАТДАН, ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАН УЗОҚ БЎЛСИН, УНИ ҚАДРЛАЙВЕРАМИЗ, ДЕЙИШ САФСАТАДАН БОШҚА НАРСА ЭМАС.

Айни даврда дунёнинг турли мамлакатларида аёл кишилар раҳбарлик қилмоқдалар. Буларга Германия канцлери Ангела Меркел, Молдова президенти Майя Санду кабилар ҳеч бир эркакдан кам бўлганлар фаолият олиб боришмоқда. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, сиёсатда ғарб-шарқ, шимол-жануб деган нарса йўқ, сиёсатда биттагина сиёсат бор, холос.

Шуни ёдда тутиш лозим, Тўмарису Бибиҳонимлар авлоди бўлган ўзбек аёли ҳам бемалол давлат бошқарувида фаолият юрита олади. Фақат ўзбек аёлига ишонч билдирилса бас, у ҳатто елкасида тоғларни-да кўтаради. Давлат бошқаруви ҳам оила бошқаруви каби иш. Эри урушга кетиб, қайтмаган момоларимиз ўнлаб фарзандларини ўқитиб, ўйли-жойли қилган, ҳаётда ўз ўрнини топишга сабабчи бўлган. Бунга ўзининг мустахкам иродаси билан эришган. Шундай экан, ўзбек аёлини сиёсатдан, давлат бошқаруvidан узоқ бўлсин, уни қадрлайверамиз, дейиш сафсатадан бошқа нарса эмас.

Фурқат АЛИМАРДОН.



— Қабул қилинаётган қонунлар ва қонун ҳужжатлари, давлат бошқаруви органлари фаолияти натижаларини ошкора ва конструктив муҳокама этишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини кенгайтириш зарур.

Ўзбекистон ХДП номзодининг Сайловолди дастуридан

15-sentyabr, chorshanba, 2021-yil.
№37 (32679)

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТИ

БИР ЧЕЛАК УЗУМГА 5 ЙИЛЛИК ҚАМОҚ

ёки
иқтисодиёт
соҳасидаги
жиноятга
жазо 30 йил
аввал ва бугун



СОБИҚ
СОВЕТ ТУЗУМИ
ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ
ШАФҚАТСИЗЛИГИ
ҲАМДА
АДОЛАТСИЗЛИГИ
ҲАҚИДА ГАП
КЕТГАНИДА, БИР
ВОҚЕАНИ БОТ-БОТ
ЭСЛАЙМАН.
ЎТГАН АСРНИНГ
80-ЙИЛЛАРИДА
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
ИШТИХОН ТУМАНИДА
ЯШОВЧИ СОДДА
БИР КИШИ КОЛХОЗ
БОҒИДАН БИР ЧЕЛАК
УЗУМ ОЛГАН ЭКАН.
УЧ-ТЎРТ КУН ЎТИБ,
«ОЛАМШУМУЛ»
ЖИНОЯТ ҲАҚИДА
ОБХСС (СОЦИАЛИСТИК
МУЛКНИ ТАЛОН-ТОРОЖ
ҚИЛИШГА ҚАРШИ
КУРАШИШ БЎЛИМИ)
ХОДИМЛАРИ ХАБАР
ТОПИБ, ТЕЗДА ЕТИБ
КЕЛИШГАН. ҲАЛИГИ
КИШИ ЭСА СОДДАЛИК
БИЛАН БИР ЧЕЛАК
УЗУМ ОЛГАНЛИГИНИ
ТАН ОЛГАН. СЎНГ
ОБХСС ХОДИМЛАРИ
ЁЗГАН ҚОҒОЗГА
ИМЗОСИНИ ҚЎЙГАН.
ҚИСҚАСИ, ЎША
ОДАМ СОЦИАЛИСТИК
МУЛКНИ ТАЛОН-
ТОРОЖ ҚИЛГАНЛИҚДА
АЙБЛАНИБ, БЕШ
ЙИЛГА «КЕСИЛГАН».

Ҳа, бу воқеа бугунги авлод учун эриш туюлиши, ҳатто қулғули бўлиши мумкин. Аммо бу ҳақиқат. Чунки ҳозирда бу хилдаги ҳуқуқ-бузарликларга муносабат мутлақо ўзгарган.

Яхшиси, ўша даврда инсон кадр-қимматини оёқости қилувчи, таҳқирловчи қонунлар билан бугунги инсонпарвар, кечиримли, инсонни улуғловчи қонунларимиз ҳақида фикр юритсак. Бу ҳақда юридик фанлар доктори, профессор Баҳром Ахроров шундай дейди.

— Мустақиллик жамиятнинг тубдан ўзгаришига, айниқса, иқтисодий масалаларни тўғри ҳал этишга кенг имкониятлар яратди. Аввалги тоталитар тузумдаги "фақат давлатники, халқнинг эса қорни тўйса бўлди", каби тушунчалар ўрнига аввало, халқ, кейин давлат шиори асосий тамойил қилиб олинганлиги иқтисодий масалаларни адолатли ҳал этишга замин яратди, — дейди профессор. — Умуман, ўша даврда давлат миқёсида шахсий мулк дахлсизлиги ҳуқуқи қўпол тарзда бузилган, одамларнинг томорқа ерлари тортиб олинган. Натижада улар амалда қашшоқликда кун кечирган.

Мулк эгаси давлат, деб белгиланиши жиддий оқибатларни келтириб чиқарган. Жиноят кодексида давлат ва жамоат мулкига қарши жиноятлар учун алоҳида боб ажратилган. Жумладан, давлат ва жамоат мулкига қаратилган тажовуз оғир жиноят, деб баҳоланиб узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилиш ва ҳатто ўлим жазолари назарда тутилган.

Яна бир гап. Давлат мулкнинг эгаси бўлмагани сабабли бу мулкларни ташмачилик қилиш, ўзлаштириб олиш каби қилмишлар одатий ҳолга айланган.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги шарофати билан ўша вақтда амалда бўлган 1959 йилги Жиноят кодексига қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган эди. Фикримизни исботлаш учун айрим мисолларни келтириб ўтсак.

Жумладан, 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Жиноят кодексидан 174-модда (хусусий тадбиркорлик ва тижоратда воситачилик қилиш) ва 177³-модда (ноқонуний савдо фаолияти билан шугулланиш) чиқарилди.

Тасаввур қилинг, ушбу ҳаракатлар учун совет қонунчилигида фуқаронинг мол-мулки мусодара қилиниб, 10 йилгача ёки 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазолари қўлланган. Яъни, тадбиркорлик, уддабуронлик қонунан жазоланган.

Давом этамиз – 1993 йилга келиб, Жиноят кодексидан мол-мулки мусодара қилиниб, ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган 175-модда (чайқовчилик) ҳам чиқарилди.

Қонунчиликдаги ана шу ва бошқа ўзгартишлар бозор иқтисодиётининг нормал ривожланишига тўсиқ бўлган муаммоларни бартараф этди. Мулкнинг турли шаклларига, эркин иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнатга асосланган бозор муносабатларини ривожлантиришга

қаратилган қонунчилик базаси яратилди.

Киритилган янгиликларга қарамадан 1959 йилги Жиноят кодексининг асосий қоидалари жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжларига, шунингдек, умумэтироф этилган халққаро ҳуқуқ нормаларига ва Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган халқаро шартномалар талабига жавоб бера олмас эди. Мазкур ҳолат мустақил Ўзбекистон Республикасининг моҳиятан янги Жиноят кодекси қабул қилиниши зарурлигини кўрсатди.

Янги Жиноят кодексининг 1959 йилдаги Жиноят кодекси-дан фарқловчи қатор жиҳатлари мавжуд.

Агар 1959 йилги Жиноят кодексида биринчи даражали вазифа сифатида сиёсий ва иқтисодий тузумни, социалистик мулкни муҳофаза қилиш белгиланган бўлса, 1994 йилги Жиноят кодексида, аввало, шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари устувор этиб белгиланди.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида замон талабидан келиб чиқиб, қонунчилигимизга жуда кўп ўзгартишлар киритилди. Яъни, бозор иқтисодиёти мезонлари асосида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар, аввало, инсон манфати ҳимоясига қаратилди. Унинг эмин-эркин меҳнат қилиш ва ҳаёт кечирishiга замин яратди.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексида аввалги жиноят кодексида бўлган давлат мулкига ва шахсий мулкка қарши жиноятлар учун алоҳида

алоҳида жавобгарлик ажратувидан воз кечиб, барча мулклар учун жавобгарлик бирхиллаштирилди.

Аммо, булар иқтисодий жиноятларга доир маъмурий-ҳуқуқий ислохотларнинг бошланиши эди. Кейинчалик Олий Кенгаш, сўнгра икки палатали парламент ушбу соҳадаги жиноятчилик, айб, қилмиш сингари тушунчаларни мутлақо янгича қарашда қўриб чиқди. Натижада қонунчиликка киритилган ўзгартишларга асосан иқтисодиёт соҳасида жиноят содир этганлар етказилган зарарни қоплаганда ҳатто жазо ва жавобгарликдан бутунлай озод этиш назарда тутилган. Жиноий жазоларнинг либераллашуви туфайли ярашув институтининг амалда самарали қўлланаётганлигини алоҳида қайд этиш керак.

Аммо, барибир ўша – оддий халққа бир челақ узум учун 5 йилга қамоқ жазоси қўлланадиган, лекин маркага вагонларда соф олтинлар, оқ олтинлар ҳисобсиз ташиб кетилгани учун ҳеч кимга ҳисоб берилмайдиган, бирон бир жазо қўлланилмайдиган мустабид замонларни унутмаслигимиз керак. Мустақиллик, аввало, инсон шаъни ва қадриятига бўлган ҳурматни қайтариб берди, деб баралла айтиш мумкин.

Ҳамма нарсанинг моҳияти солиштирганда билинади. 30 йил аввалги жиноят қонунларида қон томиб турган бўлса, бугун эса меҳр-шафқат, инсонпарварлик, кечиримлилик уфуриб турибди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Судлар тизимида замонавий технологиялар

Олий судда ўтказилган матбуот анжуманида соҳага замонавий технологияларни жорий этишнинг ҳуқуқий асослари ҳамда бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Мамлакатимизда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини изчил жорий этишнинг асосий вазифаларидан бири - судлар фаолиятининг очиклиги, шаффофлиги ва тезкорлигини таъминлашдан иборат. Бу, ўз навбатида, судларда иш юритиш сифатини ва аҳолининг одил судловга эришиши даражасини оширишда муҳим омил бўлади.

Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Хусусан, 2017 йил 30 августдаги "Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор билан 2017-2020 йилларда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш Дастури тасдиқланган.

Мазкур қарор билан судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этишнинг асосий вазифалари белгиланган.

Биринчидан, судлар фаолиятининг очиклиги, шаффофлиги ва тезкорлигини таъминлаш, судлов ишларини юргизиш сифати ва аҳолининг одил судловдан хабардорлик даражасини ошириш, суд ходимлари томонидан сансалорлик, бюрократизм ва суиистеъмолчи-

лик фактларига барҳам бериш белгиланган.

Иккинчидан, судларда ишларнинг ўз вақтида қўрилишини назорат қилишнинг самарали тизимини яратиш, судлов ишларини юргизишдаги муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал этиш чораларини қўриш мақсадида судлар ишларини автоматлаштириш ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тизимлаштириш кўрсатилган.

Учинчидан, одил судловни амалга ошириш ҳамда судлар қарорларининг ижросини таъминлашда судларнинг суриштирув, дастлабки тергов ва мажбурий ижро органлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Тўртинчидан, судларда иш юритиш самарадорлиги оширилишини, судлар фаолияти тўғрисидаги ахборот очиклигини, шунингдек, аҳолига ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив хизматлар рўйхати кенгайтирилиши ҳамда сифати яхшиланишини таъминлайдиган ахборот тизимлари ҳамда ресурсларини такомиллаштириш белгиланган.

Бешинчидан, судьялар ва судлар ходимларининг ишда замонавий компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда уларнинг компьютер саводхонлиги, амалий кўникмалари даражасини ошириш вазифаси қўйилган.

Олтинчидан, судлар тизимида ахборот хавфсизлигини ва электрон ҳужжатларнинг хавфсиз айланишини таъминлаш муҳимдир.

2018 йилнинг 1 январидан бошлаб, судлар фаолиятига жорий этилган ягона марказлаштирилган электрон маълумотлар базаси судларда ишларнинг ўз вақтида қўрилишини мониторинг қилишнинг самарали тизимини яратишда, судлов ишларини юргизишдаги муаммолар ва камчиликларни аниқлашда ҳамда уларни ҳал этиш чораларини қўришда,



шунингдек судлар ишларини автоматлаштиришда ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тизимлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

2018 йил октябрдан бошлаб, биринчи инстанция судларида ишларни судьялар ўртасида инсон омилисиз, адолатлилик ва ҳолислик тамойиллари асосида автоматик тарзда тенг тақсимлаш имкониятини берувчи дастурий таъминот фаолиятга тўлиқ жорий этилди.

2018 йил апрелдан бошлаб, Олий суд ва Мажбурий ижро бюросининг ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали судлар томонидан чиқарилган ижро ҳужжатларини мажбурий ижро бюраларига судьяларнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳолда электрон шаклда юбориш ҳамда уларнинг ижросига доир маълумотларни онлайн тарзда олиш амалиёти жорий этилди.

2019 йил январь ойидан ишга доир ҳуж-

жатларни фақат электрон шаклда сақлаш ва ишларнинг электрон архивини яратиш мақсадида иқтисодий судларда ишларни электрон қўринишда шакллантириш амалиёти йўлга қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, судлар фаолиятига замонавий технологияларни жорий этиш орқали фуқаролар ва тадбиркорлар ўз низоларини суд биносига бирон марта ҳам ташриф бўюмасдан туриб ҳал этиш имконияти юзага келмоқда. Қолаверса, судларга мурожаат қилишда амалга оширилиши лозим бўлган тўловлар тезкорлиги ва аниқлигини таъминлаш орқали фуқароларга қулайлик яратилади. Энг муҳими, судларда инсон омилини максимал даражада қисқартириш орқали соҳада адолат ва ҳолислик таъминланади.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

SPORT

Ўзбекистон 91 та медаль билан умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллади.



БУ — ҚИЗИҚ

Шерободлик «ГОША»

ШЕРОБОДДА ПАРВАРИШ ҚИЛИНАЁТГАН НОЁБ ҚАРҒА УЧУН ЯПОНИЯЛИК ОЛИМ 20 МИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ ТАКЛИФ ҚИЛГАН БЎЛСА, КОРЕЯЛИКЛАР 30 МИНГ АҚШ ДОЛЛАРИГА БАҲОЛАШГАН.

Аслини олганда, ҳаётимиз давомида гапирадиган тўтиқушлар борлигини яхши биламиз. Узоқ ва яқин ўтмишда қабутарлар қўлга ўргатилиб, хат ташиш вазифасини бажарган. Тюленлар эса турли томошаларни кўрсатишни қойил қилиб уддалашади. Бир сўз билан айтганда, шер, йўлбарс, илон ва бошқа кўплаб ёввойи ҳайвонларни ҳам қўлга ўргатиш мумкин. Аммо, қарғанинг гапирганини кўпчилик эшитмаган бўлса керак. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, Шеробод туманининг "Қатта ҳаёт" маҳалласида истиқомат қилувчи Бўри Раҳимов хонадонида "Гоша" лақабли гапирадиган қарға бор. У 30 дан ортиқ сўзни такрорлай олади.



— Қарға боласини 1997 йилнинг баҳорида уйга олиб келганмиз, — дейди хонадон соҳиби Бўри Раҳимов. — Ўшанда у жуда кичкина ва нимжон эди. Ўнг қаноти ва чап оёғидан жароҳатланган қўш Шодибек ўғлимга (Фарзандимиз 2018 йилда буйрак етишмовчилигидан вафот этган) ёқиб қолганди. Яхши парвариш тўғайли жонивор тезда тўзалди ва буткул соғайиб кетди. 2001 йилда ўғлим 1-синфга қабул қилинди. Қарға ўша йили гапира бошлаган. Дастлабки сўзи "Шодибек" бўлганди. Раҳматли ўғлим уйда бўлмаган кезларда у "Шодибек, Шодибек", деб чақирарди. Кейинчалик "Жонибек", "Аббос", "Гоша" каби ўнга яқин сўзни ўрганди. Икки-уч йилда "Яхши ўқи", "Отахон, яхши боринг", "Онаҳон, яхши боринг", дейдиган бўлди. Ҳозирги кунда 34 та сўзни бемалол айтади. Жониворнинг ошфталари кўп. Ҳатто хорижликлар ҳам мафтун бўлмоқда. 2001 йилда уйимизга Япониядан меҳмонлар келишди. "Инсон нутқини паррандаларда ривожлантириш" мавзuida тадқиқот олиб бораётган олим қарға учун 20 минг доллар таклиф қилди. Ундан уч-тўрт йил ўтгандан кейин эса корейликлар 30 минг долларга баҳолашганди. Аммо ўғлим сотишга унамаган... — Шодибек оламдан ўтгач, қарғанинг нақадар вафодор ва жуда садоқатли жонивор эканига ғувоҳ бўлганман, — дейди уй бекаси Собира Абдуллаева. — Ишонасизми, айрилиқдан кейин "Гоша" бир ойдан ортиқ гапирмади. Ҳатто, бирорта сўз ҳам айтгани йўқ. Ўн кунча деярли овқат емай, тушкун кайфиятда юрди. ..."Гоша" ўғлимни ҳаммадан қизғонарди. Шодибекка яқинлашсангиз, қанотларини ёйганча хурпайиб кетарди. "Қихх-қихх" этиб, олдига боргани қўймаган. Йигирма тўрт йилдирки, у оиламиз аъзоси. Қарийб чорак асрдан буён совуқ ўлкаларга учиб кетгани йўқ. Ҳовлида юради, баъзан 10-15 метрча баландликка кўтарилади. Қариндошлар ва яқинларимиз ҳам унга ўрганиб қолишган. Қарға гоҳида этагимдан чўқиса, баъзан сайр қилишга ундайди. Каратэчилардек бир оёғини кўтариб-қўтариб қўйишни одат қилган. Дарахтга қўниб, ўзига чорлагандек бўлади. Ҳозирги кунда "Гоша"ни Самандар набирамиз парвариш қилмоқда. У ёнғоқни хуш кўради, палов сеvimли таоми. Ширинликларни ёқтиради. Агар қорни тўқ бўлса, озукани ерга кўмиб қўяди. Қачон зарурат туғилса, уни излайди. ...Яна бир қизиқ воқеани айтиб берай. "Гоша"га жуфт топиш мақсадида 2011 йилда адирликка олиб бордик. Бир гала қарға келди, денг. Ўзаро мулоқотдан кейин қушлар учиб кетди, аммо "Гоша" биз билан қолди. Табиатсеварлар оиласида "Гоша"дан ташқари яна 150 га яқин қуш ва парранда парвариш қилинаётгани бизни қувонтирди. Улар орасида Австралия, Янги Зеландия, Жанубий Америка, Япония, Болгария ва бошқа мамлакатларда яшайдиган ноёб тур вакиллари ҳам бор экан. Мўъжизалар мужассам манзилдан қайтар эканмиз, "Гоша" биз билан хайрлашди: "Отахон, яхши боринг".

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

15-sentyabr, chorshanba, 2021-yil.
№37 (3267)



ФУТБОЛ. Италия А сериясининг 3-туридан ўрин олган "Рома" ҳамда "Сассуоло" жамоалари ўртасидаги баҳс бўлиб ўтди. Мазкур учрашувда майдон эгалари 2:1 ҳисобида иродали ғалабага эришди. Легионеримиз Элдор Шомуродов баҳсни захира ўринидагида бошлади. Учрашувнинг 74-дақиқасида Моуриньо Заньйооло ўрнига Ўзбекистонлик ҳужумчини туширди. Шомуродов "бўрилар"нинг иккинчи голига ассистентлик қилди. "Рома" ушбу ғалабадан кейин очколар сонини 9 тага етказиб олди ва турнир жадвалида пешқадамга айланди.



БОКС. Куба бокси жаҳонда ўз номига эга эканлиги барчамизга яхши маълум. Бу сафарги Токио олимпиадасида ҳам улар етакчилиكنи қайтиб олишди. Бизни олдинда 26 октябрдан старт оладиган бокс бўйича катталар ўртасида жаҳон чемпионати кутиб турибди. Мазкур йирик мусобақа олдидан Куба ва Ўзбекистон бокс терма жамоаси аъзолари қўшма ўқув йиғин машғулотларида иштирок этади. Жамоалар 12 октябрдан Ўзбекистондаги Янгиобод базасида ўзаро тайёргарлик жараёнини олиб боради ва биргаликда жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун Сербияга жўнаб кетади.



МУСОБАҚА. МДХ ўйинларида Ватанимиз шарафини муносиб химоя қилган Ўзбекистон спорт делегациясининг 250 нафарга яқин спортчи, мураббий ва бошқа мутахассислари 4-11 сентябрь кунлари Россиянинг Қозон шаҳрида спортнинг 16 та тури бўйича ўтказилган 1-МДХ ўйинларида иштирок этди ва 91 та медалга эга чиқди. Мазкур медаллар жамланмасининг 23 таси олтин, 32 таси кумуш ва 36 таси бронза медалларидир. Бир сўз билан айтганда, МДХ ўйинлари ўз якунига етди ва унда Ўзбекистон 91 та медал билан умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллади.

ФУТЗАЛ. Жамоамиз жаҳон чемпионатини аламли мағлубият билан бошлади. Литва мамлакатининг Вильнюс ва Каунас шаҳарларида тўққизинчи мартаба ташкил этилаётган футзал бўйича жаҳон чемпионатига старт берилди. Маълумот ўрнида яна шунга айтиш мумкинки, Баҳодир Аҳмедов устозлигидаги мамлакат терма жамоамиз ушбу мундиалда иккинчи бор иштирок этмоқда. Ҳамюртларимиз илк турда Гватемала билан баҳс юритиб, беллашув якунига 15 сония қолганида дурангни қўлдан чиқарди ва 4:5 ҳисобида мағлубиятга учради. Вакилларимиз бугун бўлиб ўтадиган 2-тур баҳсларида Россияга қарши ўйнайди.



ОҒИР АТЛЕТИКА. 2020 йилнинг апрель ойида Халқаро оғир атлетика федерацияси (IWF)нинг собиқ президенти Тамаш Аяанининг ўз вазифасидан четлаштирилиши оқибатида оғир атлетика атрофида турли қарашлар вужудга келди. Токио олимпиадаси якунлангандан кейин ҳам IWF ва унинг мутасаддилари, спортчилари ҳақида кечаётган гап-сўзлар тўхтаганича йўқ. Жумладан, ташкилотнинг бир қатор раҳбарларига қўлланилган айблов хулосалари ҳали эълон қилинмай туриб, Халқаро олимпия кўмитаси IWFдаги коррупцион ҳолатлар ва допинг билан боғлиқ айбловлар жараёнида 2024 йилги Париж олимпиадасида оғир атлетика бўлмаслиги мумкинлигидан огоҳлантирди.

ЖАРАЁН

ИЖРО ИНТИЗОМИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА


Ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда ягона ва узлуксиз занжирни ташкил қилиш бўйича давлат бошқаруви органлари раҳбарларига шахсий масъулият юкланган. Хусусан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида ҳам мазкур йўналишда бир қатор ўзгаришлар ва янгиланишлар амалга оширилди. Бугунги кунда давлат сиёсати шунга тақозо этадики, лавозимидан қатъи назар, ҳар бир раҳбар қоғоз билан эмас, балки юзага келган муаммо ёки вазифа билан ишлаши, ҳар бир ҳужжатни ишлаб чиқишда жойига чиққан ҳолда ўрганиши, аҳолининг фикрларини тинглаши ҳамда мавжуд ресурсларни таҳлил қилиши лозим. Булардан ташқари, мунтазам равишда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ҳамда фуқаро муносабатларини ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича ҳар ҳафтанинг душанба кунлари – вазир, жума кунлари эса – вазирнинг биринчи ўринбосари марказий аппарат ҳодимлари, ҳудудий ва тасарруфий ташкилотлар

раҳбарлари иштирокида доимий муҳокама қилиб бориш тизими йўлга қўйилган. Таъкидлаш жоизки, янги тизим жорий этилгач, вазирлик тизимида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланди. Масалан, илгари тизимда мuddати ўтиб ижро этилган ҳужжатлар сони ўртача бир чоракда 35 тани ташкил қилса, ушбу ҳужжатларга асосан яратилган механизм бўйича бугунги кунда ўртача бир чоракда 1-3 тани ташкил этмоқда. Бугунги кунда вазирлик тизимида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни назорат қилиш бўйича "doc.ijro.uz" дастури ишга туширилган бўлиб, мазкур тизим орқали назоратга олинган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар тизим ташкилотларининг раҳбариятига ва масъул ижрочиларга етказилади ҳамда уларнинг кейинги ҳолати қарорда белгилаб берилган 12 та босқичдан иборат бўлган ижросини ташкил этиш схемаси асосида назорат қилиб борилади. Мазкур тизим орқали қонунчилик ҳужжатлари, Президент ва Ҳукумат

топшириқларидан тортиб, барча ички идоравий ҳужжатлар рўйхатдан ўтказилади ҳамда масъул раҳбарлар томонидан топшириқнинг моҳиятидан келиб чиқиб, уларни максимал қисқа фурсатда ва натижавий бажариш тўғрисида резолюция қўйилган ҳолда ижрочига йўналтириш имконияти яратилган. Бундан ташқари, ушбу автоматлаштирилган тизим орқали бандлик тизимида ҳужжатларни қоғоз шаклида келишиш ва имзолаш амалиётига тўлиқ чек қўйилган. Шу билан бирга, электрон рақамли имзо калитидан фойдаланган ҳолда, махсус мобил илова орқали ижрога келган ҳужжатларни кўриб чиқиш, ижрога қаратиш ва назоратдан чиқариш имкониятлари яратилган бўлиб, бу тизимда иш юритишни сезиларли даражада тезлаштиришга имкон берди.

Машраббек ТЎРАБЕКОВ,
Бандлик ва меҳнат муносабатлари
вазирлиги ташкилий ва ижро
интизоми назорати бошқармаси
бошлиғи.

ҲАЁТ САБОҒИ



Тарихдан мақманадусан
қурол сифатида фойдаланиш
грамайдۇ — бу ўша
миллатнинг келажағига
урулган болма бўлади.

Ли Куан Ю.

«TOSHKENT
UNIVERSAL
AUCTIONS
SAVDO» МЧЖ
АХБОРОТИ

Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси балансидаги д/р 10/969AAA бўлган «УАЗ-31519»; д/р 10/989SAA бўлган «ГАЗ-270500» русумли автотранспорт воситалари ушбу ташкилотнинг 2021 йил 8 сентябрдаги 4/8-3747-сонли хатига асосан аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**
Sahifalovchi: **Bekzod ABDUNAZAROV**

Г — 941. 20270 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —
Topshirilgan vaqti — 23:40.



Газетанинг электрон саҳифасига
ўтиш учун QR-кодни телефонингиз
орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

МУАССИС:



O‘ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

TAHRIR HAY’ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAOLICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Hayotxon ORTIQBOYEVA
Shuhrat ISLOMOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: To‘lqin TO‘RAXONOV

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Bunyodkor ko'chasi, 50 «A»-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.